XALQ DEPUTATLARI ZARAFSHON SHAHAR KENGASHI
QAROR

210300, Zarafshon sh., Marvarid ko‘chasi 1

2021 - yil 21 - dekabr VI-39-119-5-78-K/21 Zarafshon shahar hokimligi

Зарафшон шахрининг 2021 йил бюджети ҳамда маҳаллий бюджет даромадлар режасининг ижроси таҳлили ҳамда 2022 йил учун юридик ва жисмоний шахсларнинг МФЙ кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларини қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармони (ҚММБ, 03.12.2020 й., 06/20/6121/1590-сон) ва 2021 йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6307-сон Фармони (ҚММБ, 08.09.2021 й., 06/21/6307/0851-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 8 ноябрдаги 19/10-68220-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429, 437-моддалари ҳамда Зарафшон шаҳар давлат солиқ инспекциясини 2021 йил 16-ноябрдаги 19/6-06273 сонли хати (ҚММБ, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон), Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 сентябрдаги “Солиқ мажбуриятларини бажаришда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6307-сон Фармонига асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

камерал солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўлланилмаслиги;

тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ ҳисоботини белгиланган муддатларда тақдим этмаганлик учун молиявий санкциялар бекор қилиниши инобатга олинсин.

2. Шаҳарнинг иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, жисмоний шахслар бўйича 2022 йил учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун тавсия этиладиган ер солиғи ставкаси 1-иловага ҳамда юридик шахслар бўйича 2022 йил учун қишлоқ

хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун тавсия этиладиган ер солиғи ставкаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига жорий йилнинг 1 декабрига қадар кейинги солиқ даври учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари учун солиқ ставкаларини белгиланган тартибда солиқ органларига киритсин.

4. Ушбу қарор “Олтин водий” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу Қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (З.Шомуродов) ҳамда Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Д.Хамроев) зиммаларига юклатилсин.

Кенгаш раиси **А.Раджабов**

Халқ депутатлари Зарафшон
шаҳар Кенгашининг
2021 йил 21 декабрдаги
VI-39-119-5-78-K/21-сон қарорига
1-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдори

сўмда

Т/р	**МФЙ номи**	**Солиқ ставкасининг аниқ миқдори**	**Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун)**
1	Алишер Навоий	260	0,7	182
2	“Кончилар”	260	0,7	182
3	“Олтин водий”	260	0,7	182
4	“Қурувчи”	260	0,7	182
5	“Ёшлик”	260	0,7	182
6	“Тинчлик”	260	0,7	182
7	“Геолог”	260	0,7	182
8	“Баҳор”	260	0,7	182
9	“Наврўз”	260	0,7	182
10	“Юлдуз”	260	0,7	182
11	“Янги Зарафшон”	260	0,7	182

Халқ депутатлари Зарафшон
шаҳар Кенгашининг
2021 йил 21 декабрдаги
VI-39-119-5-78-K/21-сон қарорига
2-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдори

сўмда

Т/р	**МФЙ номи**	**Солиқ ставкасининг аниқ миқдори**	**Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (1 га учун)**
1	Алишер Навоий	31 900 000	0,7	22 330 000
2	“Кончилар”	31 900 000	0,7	22 330 000
3	“Олтин водий”	31 900 000	0,7	22 330 000
4	“Қурувчи”	31 900 000	0,7	22 330 000
5	“Ёшлик”	31 900 000	0,7	22 330 000
6	“Тинчлик”	31 900 000	0,7	22 330 000
7	“Геолог”	31 900 000	0,7	22 330 000
8	“Баҳор”	31 900 000	0,7	22 330 000
9	“Наврўз”	31 900 000	0,7	22 330 000
10	“Юлдуз”	31 900 000	0,7	22 330 000
11	“Янги Зарафшон”	31 900 000	0,7	22 330 000